

Ул сафо аҳли пок фар жомий
пок фар жому пок фар Жомий,
Ул фано сари дасттир манба,
муриши устоду шир манга.

[«Хамсат ул-мутахаййрини»дан]

Бизнинг замонамиз бу соҳибдавлат вужуди ила мушаррафдир. У ўз мартабаси, улуғлиги ва шоҳа яқинлиги ва шунингдек оллоҳ ато этган ва ўқиб ўрганиш билан орттирилган илму доғиши ва ақлу заковати билан шеърлари ҳусни қамоли учун ҳар қандай мақтовдан юқори турсада, у ўзини паст тутиб, шеър аҳли жамоасига қўшилди ва бошқаларга ҳам пардани орадан кўтариб шеърят йўлини очиб берди. Аммо ҳаққониятини айтганда у мана шу анжуманларнинг барчасига бошдиқ ва шеър аҳли сардафарида номин битиқ...

[«Баҳористон»дан].

БОСҚИНЧИЛИК

1988 йил 16 август туғилган соат 23 ларда «Марказ-6» кватталдаги поёнақал устакониси яқинида «Скиф» маркали велосипед минган инки ўспирин А. Мир-собировнинг суммасини олиб қочишган. Сумманинг ичида 98 сўм пул ва хизмат қўғоғлари бор эди.

Сўнгги вақтларда мотосиқчиларнинг, баъзан велосипедчиларнинг ўтиришлари қўлидан суммаларини олиб қочиш ҳолатлари тез-тез содир бўлаётти. Шаҳар аҳолисида хушёр бўлишни, босқинчилик содир бўлган тақдирда транспортнинг маркаси ва номерини, жиниятчиларнинг белгиларини аслаб қилишни ҳамда милицияга хабар қилишларини сўраймиз.

ЎҒИРЛИК
Қундуз кунини Вонзал олди майдонини ҳамини гавжум бўлади. Ҳар кил дуконлар харидорларини ва... ўғирларини жалб этади. Э. Кержаевнинг на тайинли бошпанаси, на касб-қори бор. Очигини айтганда унинг бир «хунари» бор, аммо у қонуни йўли билан таъқиқ этилади. Яқинда у Г. Разумованинг суммасидан ҳамини ўғирлаётганда қўлга тушди.

Ўнинг «хаммаси» — аниқ истиқомат ва иш жойи бўлмаган Ю. Тупиков кватталарга ўтиришга қўлини қўйиб олиб қочишган. У шу йил 27 май кунда кунини Чилонзор масмасида истиқомат қилувчи М. Сафинанинг кватталарига ўтиришга қўлини қўйиб олиб қочишган. 10 та қассад, сарини кеталди, аслаган учури ва зирани, 30 сўм пулни ўғирлагани. 12 июнь кунини эса қундуз шу масмасида А. Ермакованинг кватталаридан 700 сўм пул ва «Селга» радиоприйманинг умаргани. Айбонни далиллар Ю. Тупиковдан қайтариб олинди.

ОТАЛИК БУРЧИНИ
УНУТГАНЛАР

Орамада шундай кишилар ҳам бори, улар фарзанд кўришларидан сўнг ёни хотинларидан ажирлашганда кейин оталик бурчларини унутиб, қочиб юришлар. Уларни излаб топши, ўз фарзандларига моддий ёрдам кўришларига маъмур қилиш миллияни органлари зиммасига юкланган. Аллмат тўлашдан ашадий бўйин товлан юртанларнинг айримлари билан танишган.

Рустамхон Шерматович Каримов — 1944 йилда туғилган, ўзбек, ўрта бўй, қотмадан келган, бугдой юз, сочлари қора, жингалар, қўзлари қора, муйлови бор, енгил автомашиналар диванларини ремонт қилувчи мутахассис.

Минийбай Ахметбаевич Сантов — 1941 йилда туғилган, татар, ўрта бўй — 164 сантиметр, қорачадан келган, қотма, сочлари оғарган, юзи яшиллар босган, спиртли ичимликларни сунистеъвоқ қилади, ҳайдовчи, мардонлиқ қилиш мумкин.

Григорий Ильич Кадурин — 1959 йилда туғилган, рус, бўйи 180 — 185 сантиметр, оғин, сочлари қора, қорачадан келган, лўига ўхшайди. Юқори жағининг чат томонидида тишлари оқ металлдан асалган.

Валерий Александрович Велаяв — 1941 йилда туғилган, рус, ўрта бўй, юзи қўнғичоқ, сочлари қора.

Лев Петрович Бурцев — 1936 йилда туғилган, тулладан келган, сочлари қора, юзи думалоқ, қўй кўз, муйлови бор, куриш-мўнган бошқармасида соловчи бўлиб ишлаши мумкин.

Қочқонларнинг истиқомат жойини аниқлашда газетчилик ёрдам беришди, деб ўйлаймиз.

Ўзингиз гувоҳ бўлган жиниятлар, уларни содир этган шахслар, шунингдек ўғирланган буюмларни сотаётган ёки олаётган кишилар, дом-дарасини йўқотганлар ҳақидаги маълумотларни 02, 33-71-47, 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

БИЛДИРИШ
Ўзбекистон Компартияси Тошкент бўлими Тошкент Марксизм-ленинизм университети тингловчилари диққатига.

Марксизм-ленинизм университетидаги маш. гулотлар 1988 йил 1 сентябрда (ишдавалга му. воқиф соат 18.00 да) бошланади.

Марксизм-ленинизм университети ректорати.

«КАМОЛОТ ЧЎККИСИННИНГ НУРЛИ ҚУЁШИ»

Алишер Навоий буюк тожик шоири Абдурахмон

Жомийни шундай таърифлаган

Жаҳон маданияти ва адабиёти хазинасига ўзининг дурдона асарлари билан бебаҳо хисса қўшганлардан бири — улуғ тожик шоири Абдурахмон Жомийдир. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомийнинг ҳамнафас яшаб, яққалам бўлганликлари ва дўстликлари ўзбек ва тожик халқларининг қадимий қардошчилигининг рамзи бўлиб туради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети улуғ тожик шоири, мутафаккири ва файласуфи Абдурахмон Жомий таваллудининг 575 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни 1989 йилда тантанали ишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу саҳифа материалларини Абдурахмон Жомий таваллуди олдидан азиз оқшомхонлар диққатига ҳавола этмоқдамиз.

Бой маданий-адабий анъаналарга эга бўлган ўзбек халқи барча давларда Шарқдаги қўпгина қўпни қардош халқлар билан яқин алоқада бўлиб келди. Зотан, ўзбек ва бошқа қардош халқлар асарлар давомидида дегирли бир хил сийсий-ижтимоий шароитда яшаганлар. Зулми ва зўрликка қарши биргаликда беш кўтарганлар. Бу каби ўзаро алоқалар тақдирларини бир-бири билан қамбарчас боғлаб кетган ўзбек ва тожик халқлари ўртасида, айниқса самарали бўлди. Манбаларда таъкидланганича, XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда тожик ҳамда ўзбек адабиётларининг ўзаро алоқалари, шу жумладан икки халқ намоёндаларининг шахсий алоқалари шу қадар кучли тус олдики, бу адабиётларини бир-биридан ажратиб тадқиқ этиш мумкин эмас.

Мана шу буюк анъананинг ёрқин мисоли — улуғ тожик шоири Абдурахмон Жомий билан буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг самияий дўстлиги ва ижодий ҳамкорлигидир. Бу икки буюк дўст ҳамкорлигида ўзбек ва тожик адабиёти, маданияти XV асрнинг иккинчи ярмида ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Мана шу ҳол Алишер Навоий номли адабиёт музейининг кўркам залларидан бирида ўз аксини топан. Бу экспозиция ўзининг қимматли материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Хонага кирган томошабиннинг ингоҳи марказдан ўрин эгаллаган «Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий» деган портретга тушади. Бу асар муаллифи таниқли расмчи М. Набиен бўлиб, асар 1975 йилда яратилган. Портретда нуруний чехрал, замонасининг ҳар томонлама етук кишиси бўлган Жомий ва унинг дўсти, ҳамфари, улуғ шоир Навоий образлари моҳирона тасвир этилган. Уларнинг хонтахта атрофида қўлларидида китоб ушлаган ҳолда, ижод ҳусусида суҳбатлашиб ўтирган пайтларни акс этган.

Экспозицияда бу каби йирик картиналар қўлаб учрайди. Расмчи Пантюхиннинг «Абдурахмон Жомий» (1968) деб номланган портрети, машҳур халқ расмини, профессор Ч. Аҳмадовнинг

«Жомий ва Навоий» (1981) номли асарлари томошабинларда қизиқини уйғота олиши билан характерлидир. Айниқса машҳур мўйғалам соҳибни Қосим Али томонидан 1525 йилда яратилган «Навоий ва Жомий шайх Низомий ҳузурида» номли миниатюра ҳар қандай санъат муҳлиси диққатини ўзига тортгани билан қимматлидир.


Навоийнинг теран халқчиллиги ва буюк дўстлиги ҳолати ўзининг ёрқин ифодасини топан. Навоий йирик давлат арбоби сифатида қўлаб кишилар билан мулоқотда бўлган, қўлаб ижодкорларга хомийлик қилган, сон-сановиз шогирдлар тайёрлаган. Бироқ унинг энг яқин дўсти, устози ва маслаҳатчи Жомий эди. Жомий ниҳоят

«Яқини хулқлари» асарида келтирилган ушбу воқеани эслаш ибратлидир: бир зодагон Жомийни зўрат қилиш учун, унинг қамтарона уйига келади. Эшик олдидида ниҳоятда жискин қўлнинг бир шахсини кўриб, уни Жомийнинг хизматкори бўлса керак, деб қириб қилиб ўз хўжасига келганини маълум қилишни буюради. Бу киши табассум билан зодагонини уйга тақлиф этади. Бошқа меҳмонлар орасида ўтириб, Жомий чиқармаганидан таажжуб қилган зодагон ўз фикрини ёқидида ўтирган кишига айтганда, у меҳмонларини эшик олдидида қутиб олган жискин киши худди ҳазрат Жомийнинг ўзлари эканлигини билдиради...

Навоий Жомий билан барча ижтимоий, давлат ва айниқса ижод ҳусусида маслаҳатлашиб турар эди. Шунини диққатга лойиқлик, буюк ўзбек шоирининг асосий ижодий мақсади — ўз она тилининг қадр-қиммати учун курашини, шу тилда тўзал асарлар яратиш йўлидаги интилишлариди Жомий биланчи маслаҳатчи бўлди. Навоийни бу йўлда қўлаб-қувватлади. Ўзбекистон халқ расмини Ч. Аҳмадов яратган «Жомий ва Навоий» портретида, томошабин устоз билан шогирд ёки икки чин дўст орасида бўлаётган қизгин суҳбатни аъйойиб маҳорат ва назокат билан тасвир этилганга туюқ бўлади.

Навоий Жомийни ўзига ҳақиқий дўст, жонқуяр мураббий деб билар, айни пайтда уни бадий сўз оламида тенги йўқ сиймолар тоифасига қўшар эди. Жомий эса бирор асар ёзса, биринчи навбатда Навоийга тақдим этар, ундан асарига баҳо беришни сўрай эди. Бу икки улуғ сиймо гарчи икки тилда ижод этган бўлсаларда, аммо ижодий йўналишида бир мақсадга интилдилар. Навоий Жомийнинг вафотидан кейин дўстлиқ хотираларини абадийлаштириш мақсадида унга бағишлаб, «Хамсатул-мутахаййрини» («Беш ҳайрат») номли махсус асарини ёзди.

Хулоса қилиб айтганда, Жомий ва Навоийнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ўзбек ҳамда тожик адабиётлари ўртасидаги асрий қардошлиқнинг ёрқин тимсоли бўлиб, ҳозирги кунимизда ҳам ибрат бўларлидир.



Абдурахмон ЖОМИЙ 1414- 1492 йиллар

Тожик адабиётининг атоқли шоири Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий 1414 йил 7 ноябрда туғилган. У ёшлигиданоқ зийрак, ўқир фахли бўлган, мактабга жуда эрта қатъни бошлаган. Ҳиротнинг Дилкаш медресасида илм таҳсил қилиб араб тилида ёзилган аруз, қофия илмларига доир рисоаларни ўрганган, кейин бадийёт илми ҳақидаги китобларни шарҳу-изоҳлари билан мутолаа қилган.

Жомийнинг устозлари унинг истеъдодида жуда юқори баҳо бериб, бу нозик таъб йўлига ҳамма нарсани тез фаҳмлаб олиш-лигини, чўқур ва нозик фикрларини яхши сингдириб олишганини алоҳида таъкидлашган. Жомий ўз билимининг тақомиллаштири-ниш учун Самарқандга жўнайди. У бу шаҳарда Мирзо Улугбекнинг сафдошларидан бири, ўз замонасининг машҳур олими Қозимзода Румийдан дарс-таҳсил олади. Яна Ҳиротга қайтиб келган, машҳур олими Али Қўшчига имтиҳон топиради. Олим математика ва алгебрадан қандай савон бермасини Абдурахмон ҳаммасига тез ва аниқ жавоб беради.

Тарих зарварларидан маълумки, XV асрнинг қўпгина аҳли тарихчи, адабиётчи ва бошқа олимлари билим қомуси Жомий номини ҳурмат билан тилга оладилар. Уни: «Ўз асрининг тенги йўқ ағониси» дейдилар. Жомий кўп асарларини ўша вақт аъёнасига кўра, шоҳ ва султонларга бағишлайди, аммо бундан мақсад бирор мукофот илмини эмас, балки уларга насихат қилиш эди. Шоир халқ ва мамлакатнинг тақдирини мана шу шоҳу султонлар, арқони давлат қўлида, деб қаттиқ ишонган ва уларга шеър кучи билан таъсир кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Жомий тамеги сарой шоирларининг саводсизлиги, шеърятини ўзларининг паст ва тубан мақсадида, балки, нафсарига қурбон қилганликларини қаттиқ қоралайди. Унинг фикрича, таъма аралашган сўз ҳақиқатдан йироқ, таъма қилган киши одил бўлолмайди. Ўзининг олижанон фикрларига умр-бод содиқ қолган шоир Озарбайжон ҳукмрони ҳам, Туркия султони ҳам, бошқалар ҳам қанча-қанча тортиқлар юбориб, уни ўз саройларига тақлиф этганлариди, ҳаммасини рад этади.

Абдурахмон Жомий ижодининг асосий қисминини етти достондан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт») асри таъкил қилди. Бунда қуйидаги асарлар бор:

1. «Тўхфатул абори» («Нуронийлар тўхфаси»). 1481— 1482 йилда ёзилган.
2. «Сибҳатул абори» («Тақводорлар тасбеҳи»). 1482— 1483 йилда ёзилган.
3. «Юсуф ва Зулайҳо». 1483 йилда ёзилган.
4. «Лайли ва Мажнун». 1484 йилда ёзилган.
5. «Хирудоман Искандарий» («Искандар хирудомаси»). 1485 йилда ёзилган.

Жомий бу беш достонини тамом қилган, унга яна икки достон қўшилди ва унинг «Хамса»си етти достондан иборат бўлиб «Ҳафт авранг» номини олади. Кейинги икки достон «Сил-симатуз-заҳаб» («Олтин занжир»), «Саломон ва Абсол» деб номланади.

Жомийнинг қўлаб газаллар мероси бизгача етиб келган. Шоир бу газалларда соф инсоний ишқ-муҳаббатни, ҳажр алами, ерга етолмаслик ҳам билан бирга, ҳаётдан олган завқу-шавқи, юрак изтироби, ҳаёт панди-насихатини, дил дард-аламларини жўшиб-ёниб қўйлади.

Жомий бадийи насрларидан бири—ҳозиргача ўзининг тарбиявий ва бадийи қимматини йўқотмаган «Баҳористон»дир. Бу асар саккиз бобдан иборат бўлиб, унда қисқа-қисқа ҳикоялар, машҳур кишилар, олимлар, шоирларнинг биографияси, одил давлат арбоблари қиёфаси ёрқин образларда ифода этилган.


Абдурахмон Жомий 78 ёшда бўлишига қарамай, жисмоний тетик ва бақувват эди. Аммо у тўсатдан қаттиқ шамоллаб қолади ва 1492 йилнинг 8 ноябрда вафот этади.

Улуғ тожик шоирининг адабий мероси чинкам дурдона санъат асарлари бўлиб, асрлар оша инсоният маданий ҳаётига маънавий озиқ бўлиб умр кечириб келмоқда ва шундай бўлиб қолади.

«Баҳористон»

Абдурахмон Жомий жуда кўп насрий ва шеър асарлар муаллифи. Булар орасида унинг «Баҳористон» китоби алоҳида ўрин тутди. Бу асарини Алишер Навоий: «Ҳаёт баҳористонини ва нажот ингористонини, деб атаган эди. Жомий «Баҳористон»ни 65 ёшда ўғли Зиёвуддин Юсуфга атаб ёзган. Кейинчалик китоб кўпгина шарқ мамлакатларида дарслик ўрнида фойдаланилди. Асар саккиз бобдан иборат бўлиб, раваз — чаманзор деб аталади.

«Баҳористон»да адиб ўз даврининг илгор халқчил ғоялари — инсонпарварлик, шахсий эркинлик, илм-маърифатга интилиш, таъмадан юз ўгир-иш, ўз меҳнати самарасига қаноат қилиш, танбалликка барҳам бериш, одоб, тавозе, тўғрилик, софлиқ ва бошқа қўлаб олинган ахлоқий ҳақидаги фикрларини илҳам ҳикояларда, ёрқин образлар орқали таъкил қилган. Асар дўннинг қўлаб халқлари тилларига таржима қилинган.



Иккинчи равза

ДОНОЛАР ҲИҚМАТИ БОБИДА

«Ҳақимлардан бири демишди: «Ҳиқматдан қирқ дафтар ёздим, аммо ундан наф қўрмадим. Ундан қирқ қалимасини ихтиёр қилдим, аммо на манфаату, на фойдасин билмадим. Ундан тўрт сўз танлаб олдим ва» қирқдан нарсанин топиб қўнғилга соддим:

Авалли шуки, аёлларга ҳам арқақлар каби эътиمود қўйма... Иккинчиси шуки, бойликка мағрур бўлма, бойлик қанчалик фаровон бўлмасин, уни замон оҳир поймол этади.

Бойликдан керилмоқ — ақлдан нарни.

Чунки у ўткинчи, бўлут сингари, ўткинчи бўлудда жавҳар бўлса-да, Субутига йўқир ақлнинг бовари.

Учинчиси улким, ўз яширин сиринини ҳеч бир дўстинга айтма, чунки дўстликка халал етиб, душманликка айлангани ҳаётда кўп учрайди.

Эй, ўғил, душманларингдан ёширин бўлса сиринг, Яхшиис дўстлар аро ҳам сўзлама қолиш ниҳон. Бу фалак кай айланиб душман киши дўст бўлгани, Дўст душман бўлгани ҳам кўрганам бор кўп замон.


Тўртинчи улким, фақат фойдаси тегадиган илмини олиш керак, фойдасиз фазилатдан қочмоқ ва фақат зарур нарсаларга қўлоқ очмоқ лозим.

Энг зарур билимин қўнт билан ўрган.

Зарур бўлганини ахтариб юрма.

Зарурини ҳосил қилгандан кейин.

Унга амал қилмай умр ўткурма...



«Юсуф ва Зулайҳо»

Буюк сўз санъаткори Жомийнинг гўзал достонларидан бири «Юсуф ва Зулайҳо»дир. Бу достон соф муҳаббат ва инсоний кечинмалар гимнидек янграб, аёл муҳаббатининг қасдасидир. Достоннинг асосий қаҳрамони Зулайҳо. У Юсуфни чин қалбидан севади, бутун ҳаёти, борлигини Юсуфга бағишлайди. Достоннинг бахтли якуни ана шу чин, самимий севгининг тантанасидир.

Юсуф эса гўзаллиқ, покизалиқ, ҳалоллик

тимсоли. Зулайҳонини мафтун этган нарса Юсуфнинг қомил гўзаллиги. Ҳаёт севги ва гўзаллиқнинг оғир имтиҳонлардан ўтказди. Бу имтиҳонлардан ўтган ана шу пок инсоний туйғулар ниҳоят ғалаба қозонадилар. Бу ноб туйғулар — севги, гўзаллиқ, покликнинг ёвузлик, макр ва тубанилиқ устидан мулқат устун чиқажанини кўрсатади.

Гарчи достон сюжетидида айрим воқеалар илоҳий таразда ривожлантирилса-да, достоннинг туб моҳияти инсон ва инсонийлиқни улуғлашга қаратилган.

МОЛИК ЮСУФНИ БОЗОРГА ОЛИБ

БОРГАНИ ВА ЗУЛАЙҲО УНИ БОШҚАЛАР ҚАТОРИДА СОТИБ ОЛГАНИ

Қандай яхши бўлар, ҳаётда хуррам,
Ер ансолига ёр етганда ҳар дам!
Дўстлик чироғини ёқса қарогон,
Айрилиқ дегидан қолмас нишон.

Юсуфнинг ҳуснидан қизиди бозор,
Мисриликлар бари бўлди харидор...
Унинг юзи эрур субҳи сабоҳат,
Лаблари гаҳлари қони маҳоҳат.

Эзу сиймосидан чехраси сериур,
Саҳо ахлоқидан сийнаси маъмур.
Унинг тили ҳеч вақт сўзламаз ёлгон,
Сўзлари нотўғри бўлмас ҳеч қачон.
Шунда бири чикди ўртадан илк бор,
Бир халта зар билан уни харидор...
Зулайҳо маъиндан бўлиб хабардор
Нарҳини оширди уни икки бор.
Бошқа харидорлар очолмасдан лаб,
Ноумидлик билан қолди чўқкалаб...
Азиз топди ана янги баҳона,
Ўзига оломоқчи шоҳи замона.
У тенги йўқ гўзал юзи қўйилди,
Бошқа қўлларига бўлади бошлиқ.
Зулайҳо деди: — Шоҳ ҳузурига бор,
Хизматинг ҳаққини айлалгил изҳор.
Дегил дилда йўқдир бир бошқа бандим,
Кўзим ўнгиди бир кўрар фарзандим.
Сарафрозлик билан қилсин эҳтиром,
Фармонимга келсин шу гўзал ғўлом...
Уйғонганим ёраб, ёки бу тушдир.
Жононга жонимнинг етгани хушдир.
Қоронғи тўнлардан қайда умидим,
Тонг отиб, оқариб келгайди дедим...

Ким эдим! Остимда ўлим бистари,
Томирга санчилиб ажал ништари.
Хизр эшигидан кирди ноғохон,
Томизди лабимга у оби ҳайвон.
Шуқрим давлатим менга ёр бўлди,
Жонимга етишган аламлар сўлди...
Арзimas тошларини бериб жон олдим,
Худо ҳақни жуда мен арзон олдим.
Ўз нақидан баҳра кўрмайгай одам,
Ҳармўҳрага сотса Исони ҳар дам.
Ҳармўҳрани гарчи бозорга солдим,
Лекин эвазига Исони олдим.
Фикрат сочларига ўралиб асрор,
Қўзларидан гавҳар тўкар шайқатор.
Гоҳ Юсуф юзига боқар эди лол,
Ҳажрининг доғидан бўлиб формибол,
Ўтган ҳижронларини гоҳо қилиб ёд,
Васили хотиридан бўлар эди шод.

Саҳифа материалларини Баҳодир ВАЛИЕВ
ва Тўғқин РАСУЛЕВлар тайёрлашган.

Редактор
Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

МУҚИМНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
3 СЕНТЯБРДА

50 МАВСУМ

К. ЯШИН асари

«Нурхон»

СПЕКТАКЛИ БИЛАН ОЧИЛАДИ
РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

3/IX да — НУРХОН.
4/IX да — АКА-УКА СОВЧИЛАР.
5/IX да — ТОШБОЛТА ОШИҚ.
7/IX да — УЗИЛГАН ТОРЛАР.
8/IX да — ШАЙТОН ВА МУРИДЛАР.
9/IX да — ЕШЛИҚДА БЕРГАН КҮНГИЛ.
10/IX да — ХОТИНИНИНГ ЭРИ.
11/IX да — Тоҳир ва Зухра.
12/IX да — ХОТИНИНИНГ ЭРИ.
14/IX да — ОЛИФТА.
15/IX да — АРШИН МОЛ-ОЛОН.
16/IX да — АКА-УКА СОВЧИЛАР.
17/IX да — ЕШЛИҚДА БЕРГАН КҮНГИЛ.
18/IX да — МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯЛАРДАН ПАР-
ЧАЛАР.
22/IX да — ЗҲДЛР.
23/IX да — ШАЙТОН ВА МУРИДЛАР.
24/IX да — МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯЛАРДАН ПАР-
ЧАЛАР.
25/IX да — РОЖА.
26/IX да — ТОШБОЛТА ОШИҚ.
28/IX да — МАНГУЛИК.
29/IX да — ТОШКЕНТДА ТУМАН.
30/IX да — НУРХОН.
Билетлар сотилмоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилина-
ди.

Тўйлар муборак!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаш-
тирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган
АВНАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОИНИНГ

«САМО» АНСАМБЛИ

Бахт ва шодлик оқшомига қўйилгандаёқ ўтганида
ХИЗМАТИНИНГИЗГА ТАШВР!
Ансамблингизга касса пул тўлаш йўли билан тўйхонага
тақил қилишнинг энг қулай йўли.
Буортлар олдиндан ҳар кун соат 17.00 дан Мада-
нийат саройининг 2-қават, 90-хонасда қабул қилинади.
Бизнинг адрес: Авнасослар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси,
Авнасослар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 154,
164-автотуслар: 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи»
бекати).

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК—88

ЭЛЕКТРОНИКА

ФАҚАТ ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИР-
МА-МАГАЗИН САЛОНИДА БИРИНЧИ МАРТА ТОШ-
КЕНТДАГИ «АЛГОРИТМ-ЭЛЕКТРОН-ХИСОБЛАШ
МАШИНАЛАРИ ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРГАН
«СУҒДИЕНА-1» КОМПЬЮТЕР-КОНСТРУКТОРИНИ
СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Конструктор-компьютер олинган билимларни амалда
қўллаш ва мустақамлаш учун информатика ва ҳисоблаш
техникаси асосларини ўргатадиган юқори синф ўқу-
чи-ларига, техника олий ўқув юрталарининг студентларига
таълим жараёнида қўллаш учун шунингдек, курс ва
диплом ишларини бажариш вақтида керакдир.
Компьютер ишда ҳамда кундалик ишларида, Сизнинг
электрон ёрдамчингиз ва маслаҳатчингиз бўлади, қўйил-
ганини кучайтиради.

У олинган жуда қулай ва зудлик билан ишлатиладиган
карточкаси ва справочник бўлиши мумкин, бу кар-
точка ва справочникка уй кутубхонаси каталогини, теле-
фонлар ва адресларни, пазандалик маслаҳатларини ва
шу қабилларни киритиш мумкин.

«СУҒДИЕНА-1» олинганнинг бюджетини кузатиб бо-
риши, бўш вақтни ва болалар ўйинини қияқарли ва
маъмурий ташкил этиши мумкин.

«СУҒДИЕНА-1»нинг программ фондиди янги про-
граммалар ва ўйинлар билан тўлдирсангиз, Сиз компь-
ютердан фойдаланиш жуда турли соҳаларида фойдаланиш
бўйича ўз имкониятигини истатганча кенгайтиришингиз
мумкин.

«СУҒДИЕНА-1»нинг хотира қўлами — 18 кбайт.
Магнит лентаси тип — МК 60-1.
Истеъмол қуввати — 15 Вт.
Баҳо — 395 сум.
Адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Телефон: 33-78-34.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги
геодезия ва картография Бош бошқармаси
ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ
1988-1989 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйдаги мутахассисликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилишни давом эттирмоқда

Техник-топограф, техник-картограф, техник-аэрофото-
грамметрист, инженер-геодезист, техник (10-синф
маълумоти билан).

Ўқиш муддати — 2 йил 6 ой.
АРИЗАЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНА-
ДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
Аризага қуйдаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:
маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), медицина
справкаси, (086/У форма), 6 донга фотосурат (4х3 см.
ҳажмида), меҳнат дафтарчасининг нусхаси (ишлаганлар
учун).

Ўқишга кирувчилар паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий
руйхатда турганлик тўғрисидаги гувоҳномаи шахсан
қўрсатадилар.

Кириш имтиҳонлари қуйдаги фанлардан: МАТЕМА-
ТИКА (оғзаки), РУС ТИЛИ ВА АДАБИЯТИ (инш),
миллий мактабни тамомлаганлар учун диктант.

10-синфни «4» ва «5» баҳолар билан тамомлаганлар
барча ихтисосликларга имтиҳонларсиз қабул қилинади.
МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Фанларни ўзлаштирувчи ўқувчилар учун 30 сум стипен-
дия (яқши ҳаёда ўқийдиганларга 25 процент, аҳо-
лиларига 50 процент қўшимча тўланади).

Техникуми имтиҳон диплом билан битирган ўқувчи-
лар ўқишни давом эттириш учун институтларга юбори-
лади.

Қуйдаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳ-
ри, 125-алоқа бўлими, М. Горький проспекти (6, 13, 22-
трамвайлар: 9, 18-троллейбуслар: 1, 17, 71, 83-автоту-
сларнинг «Маданият институти» бекати). Телефонлар:
62-57-87, 62-57-78.

ТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИ
1 СЕНТЯБРДА

71-МАВСУМНИ

В. ШЕКСПИР асари

«Кориолан»

СПЕКТАКЛИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БИЛАН

ОЧАДИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/IX да — КОРИОЛАН.
2/IX да — КЕЛИНЛАР ҚҶЗОЛОНИ.
3/IX да — КОРИОЛАН.
4/IX да — КУЕВ.
6/IX да — ИСТАМБУЛ ФОЖИАСИ.
7/IX да — ОЛТИН ДЕВОР.
8/IX да — ҲАЗРАТИ АЕЛ.
9/IX да — КЕЛИНЛАР ҚҶЗОЛОНИ.
10/IX да — КОРИОЛАН.
11/IX да — КОРИОЛАН.
Томоша зали радиоланштирилган. Текст рус тилига
таржима қилинади.
Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилинади.
Спектакллар соат 19.30 да бошланади.
Билетлар соат 10 дан бошлаб сотилади.
Справклар олиш учун телефонлар: 44-24-47 (касса),
44-17-51, (администратор).

Диккат!

Қишки иш режимига ўтишга тайёргарлик муносабати
билан

қуйдаги иссиқлик марказларини

узив қўйиш (иссиқ сув тўхтатилади)

ПЛАНЛАШТИРИЛМОҚДА:

— ТЦ-1 29 АВГУСТДАН 1 СЕНТЯБРГАЧА, иссиқлик
таъминоти зоналари — «ТашГРЭС микрорайони», «Високо-
вольтный» массивлари, М. Горький проспекти, Дуна-
ровский шоссе, Ново-Московская, Эргашев, Пушкин, Воло-
дарский, Невский, Комсомол 40 йиллиги кўчалари;
— ТЦ-2, 5 СЕНТЯБРДАН 8 СЕНТЯБРГАЧА, иссиқ-
лик таъминоти зонаси — «Қорасув», «Шимол-Шарқ»,
«Черданцев-2» массивлари;
— ТЦ-3, 19 СЕНТЯБРДАН 22 СЕНТЯБРГАЧА,
иссиқлик таъминоти зонаси — М-10, 11, 12, 13, 14, 15,
26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3 кварталлари, Студентлар
шаҳарчаси, Беруний, Ўзбекистон, Навий кўчалари,
«Чорсу», «Олмазор» массивлари;

МАНГИЗ БИЛАН темир
эшик ўрнатиб беришлари,
эшик ва дераза ромларини
ясашлари, визит карточка-
ларини тайёрлашлари, бирор
буюмини макраме усулида
тўқишлари ва ҳатто торт
пишириб беришлари мум-
кин.

Ана шу хизматларга ҳам
найд пул тўлаб, ҳам пул
ўтказиб ҳисоб-китоб қилиш
мумкин. Хизмат ҳақининг
бир қисми олдиндан тўлана-
ди.

ШУНИНГДЕК, «ЗОЛО-
ТИНКА» МАГАЗИНИДАН
ҚУЙДАГИЛАРНИ ХА-
РИД ҚИЛИШИНГИЗ
МУМКИН:

Ўзига хос бичилган («гад»
типида) драп ва жун газла-
мадан тикилган юбкаларини,

44—50-размерлар, баҳоси
20 сумдан 40 сумгача;
эркакларнинг жун газла-
мадан, ёшларнинг турли
рангдаги газламадан тикил-
ган шимларини, 46—50
размерлар, баҳоси 22 сум-
дан 40 сумгача;

модалар тақинчоқларини —
мельхиор ва бошқа қўли
перламутур, манзарали тош,
чех пишаси) узуқлар, зир-
рақлар, қўлонларни;
драп, сунъий чийдухоба
ва чармдан тикилган берет-
ларни;
турли безаклар туширил-
ган майкаларни;

турли безакли, ил-газла-
мадан тикилган қиз бола-
ларнинг қўйлақларини (и-
кки ёш ва ундан катталар
учун).

Магазин адреси: Космө-
навтар проспекти, 41. Мет-



ронинг «Ойбек» станцияси.
Телефон: 56-76-45.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУ-
НАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ.

ДФС—452 дифракцион спектрографларини;
ИСП—30 кварцли спектрографларини;
спектрал прибори бўлган кварцли УФ—281, 283 бў-
лаштирувчи спектрометрларини;
қўри қўлтиги ўқувчиларни қўзғатиш учун ИВС—28
спектрал генераторларини;
бурчакларнинг узунлигини, юзанинг текислиги ва ша-
клини ўлчаш ва назорат қилиш учун ҳисоб-китоби рақам-
лар билан олиб бориладиган ИМЦ 100х50 ўлчов микро-
скопларини;
линия размерларини ўлчаш учун ИЗА—7 горизонтал
компараторларини;
бурчакларни ўлчаш учун АК—IV, АК05У, АК—0,2У
икки координатли автоколлиматорларини;
бурчакларни ўлчаш учун ОДЭ—20 тақсимлагич го-
ловкаларини;
Шунингдек, ателье оптика-механика приборларига тех-
ник хизмат қўрсатиш ва ремонт қилиш юзасидан буюрт-
малар қабул қилади.
Адрес: Тошкент, 700027, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 а,
«СВИТЯЗЬ» ательеси.

«СВИТЯЗЬ» КИНОФОТОАППАРАТЛАРИГА ТЕХ-
НИК ХИЗМАТ ҚЎРСАТИШ ВА КАФОЛАТЛИ РЕ-
МОНТ ҚИЛИШ БЕЛОМО ФИРМАЛИ УСТАХОНАСИ.

Янги узилган сабзавотларнинг кети узилмайди

Ёз кунлари дастурхонингизни янги узилган, сархил саб-
завотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Атчинг-чучук ва ви-
негретлар, тузланган ва маринадланган сабзавотлар, ка-
рам шўрва шулар жумласидандир.

ПОМИДОР ВА КАРТОШКА, БАҚЛАЖОН ВА БОЛ-
ГАР ҚАЛАМПИРИ, ПИЕЗ, САВЗИ, ЛАВЛАГИ, ТАР-
ВУЗ ВА ҚОВУНЛАРИНИ

ХАРИД

ОКТАБРЬ ВОЗРОДАГИ САБЗАВОТ ЯРМАКАСИ-
ДАН, шунингдек Октябр райпишкеторига қарашли 36-
МАГАЗИНДАН (З. Қобулов кўчаси, «Малика» тринотаж
ишлаб чиқариш биришмаси ёнида) ва 22-МАГАЗИНДАН
(Уйғур кўчаси, «Почта» бекатида) ХАРИД ҚИЛИШИН-
ГИЗ МУМКИН.

САБЗАВОТЛАРДАН ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ТАОМ-
ЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ МУМКИН. ШУЛАРДАН АЙРИМ-
ЛАРИНИНГ РЕЦЕПТИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

БАҚЛАЖОН ГАЗАК

Аввал бақлажонларни паррақланг, паррақларни
булакларга кесинг ва тузланг. Булакларини ўсимлик ё-
нида қовуриг. Қовурилган бақлажонларни қаватлаб чучу-
қ идишга теринг, ҳар бир қатлам устига қиймаланган са-
римсоқ пиез себиб, сарпа пурканг. Яхшигинаш хўна газак
ҳосил бўлади.

ЛАВЛАГИ ИКРА

Сувда қайнатилган лавлагини йирик қирғичдан ўтқа-



нинг ва серпиз қилиб, ўсимлик ёнида қовуриг. Яхшилаб
қовуриг. Бу ўғитил ва бақлажон таомларга аяқойиб гарнир
бўлади.

ОКТАБР РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ биришмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қоринқубов номида Ўзбек Давлат концерт-
филармония биришмаси
В. И. ЛЕНИН НОМИДА СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ
САРОИДА
30, 31 АВГУСТ СОАТ 19.30 ДА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Тюменда ўтказилган «Ўзбекистон адабиёти ва
санъати қулири» иштирокчиларининг

Ҳисобот концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:
Бутуниттифоқ бадий коллективлар конкурси ва Ўз-
бекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Ўз-
бек ашула ва рақс «ШОДЛИК» ансамбли
«ЗАРАФШОН» фольклор вокал-хореография ансамбли
Ўзбекистон ССР халқ артистлари ва Ўзбекистон Ленин
комсомол мукофотининг лауреатлари: Дилафруз ЖАБ-
БОВОРА, Малика АҲМЕДОВА, Ғуломжон ЕҒУБОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган артист, Ленин
комсомол мукофотининг лауреати
Феруза СОЛИХОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган артистлар: Руш-
на СУЛТОНОВА, Аҳмадхон ШУКУРОВ, Назриддин
ШЕРМАТОВ.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассаларида
соат 14 дан сотилмоқда.

— ТЦ-4, 5 СЕНТЯБРДАН 8 СЕНТЯБРГАЧА, иссиқ-
лик таъминоти зонаси — М-1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 17, 18,
Юнусовод, Қорақамчи, Калинин массивлари, ТошМИ
комплекс, Энгельс, Катта Олмазор кўчалари;
— ТЦ-5, 12 СЕНТЯБРДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА,
иссиқлик таъминоти зонаси — «Чилонзор» массиви, 11,
12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25,
26-кварталлар, «Алгоритм», Фарход, Домбиров кўча-
лари;

— ТЦ-6 29 АВГУСТДАН 1 СЕНТЯБРГАЧА, иссиқ-
лик таъминоти зонаси — «Қўйлиқ» массиви, Ипподром-
Гайдар, Новий путь кўчалари;

— ТЦ-7, 12 СЕНТЯБРДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА,
иссиқлик таъминоти зонаси — «Авнасослар» шаҳарчаси;
ТЦ-8, 19 СЕНТЯБРДАН 22 СЕНТЯБРГАЧА,
иссиқлик таъминоти зонаси — «Сергели» массиви;

ТашТЭЦ, 5 СЕНТЯБРДАН 9 СЕНТЯБРГАЧА,
иссиқлик таъминоти зонаси — Грузовая, В. Хмельниц-
кий, Полтарский, Ш. Руставели, Т. Шевченко, Салома-
тин, Мукимий, Аэропорт кўчалари, Чилонзор массиви,
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, Е. И. Ц кварталлари, «Октябрь»;

«ТАШТЕПЛОЦЕНТРАЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚА-
РИШ БИРЛАШМАСИ.
(Телефон: 62-65-55).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ
«ЕШ ГВАРДИЯ»
ДРАМА ТЕАТРИДА

Сентябрь ойида қўрсатила-
диган спектаклларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/IX да — Алвидо, ҳаёт (Бош ролда Ўзбекистон ССР-
да хизмат қўрсатган артист Обид Юнусов).
2/IX да — Отасининг қизи.
3/IX да — Қора қамар.
4/IX да — Майсарининг иши.
6/IX да — Алвидо, ҳаёт (Бош ролда Ўзбекистон ССР-
да хизмат қўрсатган артист Обид Юнусов).
7/IX да — Парвона (Бош ролда Ўзбекистон ССРда
хизмат қўрсатган артист Обид Юнусов).
8/IX да — Сўнаётган юлдузлар.
9/IX да — Отасининг қизи.
10/IX да — Майсарининг иши (18.00 — Собир Раҳимов
районида истиқомат қилувчи қўл болали она Хадичахон
Мақсудова шарафига бағишланган кеча).
11/IX да — Майсарининг иши (18.00 — актёр Хошим
Арслонов ижодига бағишланган кеча).
13/IX да — Келинлар қўзғолони. (Бош ролда Ўзбекистон
ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат
мукофоти лауреати Зайнаб Садриева).
14/IX да — Сўнаётган юлдузлар.
15/IX да — Парвона (Бош ролда Ўзбекистон ССРда
хизмат қўрсатган артист Обид Юнусов).
16/IX да — Драматик актёрлар кўйлайди.
17/IX да — Майсарининг иши (18.00 — Акмал Икро-
мов районида истиқомат қилувчи Қаҳрамон она Насиба-
хон Қайумова шарафига бағишланган кеча).
18/IX да — Майсарининг иши (18.00 — Актёр Жаҳон-
гир Усмонов ижодига бағишланган кеча).
20/IX да — Чернобыль алағаси.
21/IX да — Келинлар қўзғолони (Бош ролда Ўзбеки-
стон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Дав-
лат мукофоти лауреати Зайнаб Садриева).
22/IX да — Драматик актёрлар кўйлайди (18.00 — Ўз-
бекистон ССРда хизмат қўрсатган артист Лола Бадалова
ижодига бағишланган кеча).
23/IX да — Узоқ қишлоқ.
24/IX да — Майсарининг иши (18.00 — Октябрь рай-
онида истиқомат қилувчи Қаҳрамон она Озода Одилова
шарафига бағишланган кеча).
25/IX да — Парвона (18.00 — Актриса Азиза Берма-
това ижодига бағишланган кеча).
27/IX да — Отасининг қизи.
28/IX да — Сўнаётган юлдузлар.
29/IX да — Келинлар қўзғолони (Бош ролда Ўзбеки-
стон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Дав-
лат мукофоти лауреати Зайнаб Садриева).
30/IX да — Алвидо, ҳаёт (Бош ролда Ўзбекистон ССР-
да хизмат қўрсатган артист Обид Юнусов).
СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.00 ДА БОШЛАНАДИ.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявклар қабул қилина-
ди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
КООПЕРАТИВЛАР
СОЮЗИ

шаҳар ва област
кооперативлари
вакиллари

30 АВГУСТ соат 16.00 да

БУЛАДИГАН
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЙИГИЛИШ Куйбисhev
кўчасидаги (45-уй) «ТАШ-
КЕНТПИВО» қўшма
клубида бўлиб ўтади.

Справклар учун телефо-
лар: 67-32-27, 56-82-78.

«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ
КООПЕРАТИВИ

меҳнат шартномаси бўй-
ича ўрта ва олий маалакли
оппаз-мутахассисларни Ғар-
бий Европа мамлакатларига
бориб ишлаш учун

ИШГА ҚАВУЛ ҚИЛАДИ

Чет элга бориб ишлаш
хоҳишини билдирган ҳамда
5000 сум миқдорда визос
тўлашни кафолатлаган ки-
шиларга қуйдаги адресга
мурожаат қилишни тавсия
қиламиз: 700115, Тошкент
шаҳри, 115-алоқа бўлими,
Чилонзор кўчаси, 87-уй, Те-
лефон: 77-10-02.

30, 31 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «КИНГ-
КОНГ» (16, 16.30, 18, 18.30, 21,
21.30).
Чайка — «КИНГ-КОНГ» (16,
18.30, 21.00).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «СЕВГИ КУЧИ» (18,
21.00).
Москва — «КИНГ-КОНГ» 16,
19.00).
Дружба — «АЛЛО, ТАКСИ»
(тоқ соатларда); «ТАБИАТ
ҚАРҒИШИ» (18.00).
Нукус — «КИНГ-КОНГ» (16,
18.30, 20.45).
Восток — «ВЕЛЬД» (жуфт
соатларда).
Хива — «ЭРКАКЛАР ПОРТ-
РЕТИ» (21.40).
Ҳамза номи — «ЭРКАКЛАР
ПОРТРЕТИ» (17, 20.00).
Искра — «ВЕЛЬД» (жуфт
соатларда).
С. Раҳимов номи — «АМА-
ДЕЙ» (16, 18.30, 20.45).

30, 31 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «КИНГ-
КОНГ» (11, 11.30, 13.30, 14, 16,
16.30, 18, 18.30, 21, 21.30).
Чайка — «КИНГ-КОНГ» (11,
13.30, 16, 18.30, 21.00).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «СЕВГИ КУЧИ» (12, 15,
18, 21.00).
Москва — «КИНГ-КОНГ»
(13, 16, 19.00).
Дружба — «АЛЛО, ТАКСИ»
(тоқ соатларда); «ТАБИАТ
ҚАРҒИШИ» (12, 18.00